

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАЖАНОВ УМИД АБДУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДЛАРИНИНГ
ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК
БАҲОЛАШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ва
08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари» ихтисосликлари

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Отajanов Умид Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион

салоҳиятини эконометрик баҳолашнинг интеллектуал

фаолиятини такомиллаштириш..... 3

Отajanов Умид Абдуллаевич

Совершенствование интеллектуальной деятельности

эконометрической оценки инвестиционного потенциала

регионов Республики Узбекистан..... 35

Otajanov Umid Abdullaevich

Improving the econometric assessment of intellectual

activity of the regional investment potential

of the Republic of Uzbekistan..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 72

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАЖАНОВ УМИД АБДУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДЛАРИНИНГ
ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК
БАҲОЛАШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ва
08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари» ихтисосликлари

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Iqt229 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алимов Раимжон Хасимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дусчанов Тангриберган Досчанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Атанов Болтабой
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Салимов Бахтиёр Тожиёвич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.1.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» 01 куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс (99871) 233-60-01, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1102 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-28-27, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил «30» декабрь ги 1 рақамли реестр баённомаси).




Г.К. Абдурахманова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент


Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котибидаги Илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг ўсиш динамикаси дунёнинг аксарият мамлакатлари ички иқтисодиётининг ривожланиш динамикасидан устун туради. 2020 йилда тўғридан-тўғри инвестиция тенденциялари минтақалар бўйича сезиларли даражада фарқ қилди. Ривожланган Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри инвестициялар оқими 80 %га, Шимолий Америкага эса 40%га камайди. Ривожланаётган минтақалар бўйлаб тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг пасайиши нотекис бўлиб, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 45%, Африкада эса 16%га тенг бўлган. Аксинча, Осиё давлатларига инвестиция оқими 4 %га ошди, Шарқий Осиё энг йирик мезбон минтақа бўлиб, 2020 йилда жаҳоннинг тўғридан-тўғри инвестицияларини ярмини ташкил этди. Ўтиш давридаги мамлакатларга тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 58 %га камайди¹. Бунга асосий сабаб, жаҳон иқтисодиётида COVID-19 инқирози бўлиб, бу айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Жаҳон инвестиция ҳисоботида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими COVID-19 пандемиясидан жиддий зарар кўрди. 2020 йилда улар учдан бир қисмга тушиб, 1 триллион долларга тушди, бу ўн йил аввалги глобал молиявий инқироздан кейин эришилган энг паст нуктадан ҳам тушиб кетди². Жаҳон иқтисодиётида юз берган бундай салбий оқибат инвестиция самарадорлигини оширишда, ҳудудий тақсимотини йўлга қўйиш ва тўғри тақсимланишида ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда имконият каби омилларининг ҳам ҳисобга олинишини талаб этади. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётига киритилган инвестицияларни фойдасиз туриб қолиши ёки инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлашини чегараланиб қолиши каби муаммоларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чоратadbирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятини барқарор ўсишини, глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлаш – инвестиция самарадорлигига таъсир этувчи омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни, улар орасидаги миқдорий боғланишларни аниқлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликка барҳам бериш мақсадида, 2019 йилда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 189,9 трлн. сўм, (доллар эквивалентида 21,5 млрд АҚШ долл. ёки 2018 йилга нисбатан 133,9 %) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»³да инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни

¹Global foreign direct investment set to partially recover in 2021 but uncertainty remains. <https://unctad.org/news/global-foreign-direct-investment-set-partially-recover-2021-uncertainty-remains>

²World Investment Report 2021. <https://unctad.org/webflyer/world-investment-report-2021>

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Халқ сўзи» 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодий тармоқлараро инвестициялар йўналишини ва тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, инвестиция самарадорлиги, хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш моделларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сонли, 2021 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Сунъий нейрон тўр усулидан фойдаланиб, иқтисодиётда интеллектуал қарор қабул қилиш бўйича эконометрик моделлар тузиш, иқтисодиётда нейрон тўр усулларини қўлланилиш ва прогнозлаш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, California State University (АҚШ), University of Pittsburgh (АҚШ), İstanbul Teknik Üniversitesi (Туркия), Stanford University (АҚШ), Josai University (Япония) ва Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт ва молия

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Markowitz H.M. Portfolio Selection, Journal of Finance 7(1). March, 1952, pp.77-91; Geske R. (1979) The valuation of compound options. Journal of financial economics, 7, pp. 63-81; Шарп У., Александер Г., Бейли Дж., Инвестиции. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 2010 г., 1028 стр; Saaty T. (1990) How to make a decision: the analytic hierarchy process. European journal of operational research, 48, pp. 9-26; Kahraman C., Cebeci U. and Ruan D. (2004) Multi-attribute comparison of catering service companies using fuzzy ahp: the case of Turkey. International journal of production economics, 87, pp. 171-184; Iwamura K., Iiu B. (1998) Chance constrained integer programming models for capital budgeting in fuzzy environments. Journaloftheoperationalresearchsociety, 49, pp. 854-860; Покровский А.М. Многомерный подход к анализу чувствительности оценок рисков инновационных проектов. // Эффективное антикризисное управление. http://www.info.e-c-m.ru/magazine/67/eau_67_102.htm.

университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (Россия), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Иқтисодий прогнозлашда сунъий нейрон тўрларидан фойдаланиш масалалари бўйича олиб борилган қатор тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзгарувчиларни гуруҳлаш, валюта курсларини прогноз қилиш, фонд бозори индексини ва иқтисодий ўсишни модели таклиф этилган (Хитой Фанлар академияси); реал вақт режимида таваккалчиликни башорат қилиш учун сунъий интеллектуал дастури ишлаб чиқилган (Жонс Хопкинс университети, АҚШ); инфляцияни прогноз қилишда Нейрон тўр модели ишлаб чиқилган (Саскачеван университети, Канада); гибрид регрессия ва интеллектуал прогнозлаш тизимининг таркибий қисми сифатида иқтисодий кўрсаткичларни нейрон тўр прогнозлаш тизими ишлаб чиқилган (Илмий тадқиқот ва инновациялар маркази, Россия), ҳудудларда инвестицияларнинг тақсимланишини ва ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг эконометрик баҳолаш ва интеллектуал қарор қабул қилиш асосида такомиллаштирилган эконометрик моделлар мажмуаси яратилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, Ўзбекистон).

Жаҳон иқтисодиётида инвестициялардан самарали фойдаланиш, самарадорлигини ошириш ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш моделларини татбиқ этиш бўйича бир қатор, жумладан, қимматли қоғозлар оптимал портфелини шакллантиришда, таваккалчилик ҳамда даромадлилик даражаларини аниқлашда, ноаниқ логика асосида молиявий фаолиятларни амалга оширишда, акцияларни харид қилиш учун опцион нархини ҳисоблашда ўзининг қўлланилиш самарасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сунъий нейрон тўрларидан фойдаланган ҳолда инвестицияларни баҳолашни таҳлил қилиш, молиявий вақт сериясини башорат қилиш ва портфелни оптималлаштириш учун сунъий нейрон тўрлари, инвестиция ва ундан фойдаланиш масалалари ҳамда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш бўйича Самуел Бёрклунд, Тобиас Улин, Т.Кохонен, Howard B Demuth, Mark H Beale, П.Самуэльсон, Г.Александр, Дж.Бейли, Лоренс Дж.Гитман, Майкл Д.Джонк ва К.Р.Макконнел⁵лар тадқиқотлар олиб боришган.

МДҲ давлатларида Ю.П.Зайченко, И.З.Батыршин, С.В.Аксенов, В.Б.Новосельцев, В.В.Круглов, В.В.Борисов, Е.А.Трофимова, В.Д.Мазуров,

⁵Samuel Björklund, Tobias Uhlin Artificial neural networks for financial time series prediction and portfolio optimization. ISRN: LIU-IEI-TEK-A-17/02920—SE, 2017.-173 с; Kohonen, T. 1988a. Learning vector quantization. Neural Networks 1, suppl. 1, 303.; Howard B Demuth, Mark H Beale; Neural Network Design (2nd Edition), 2014, – 800 p.; Samuelson Paul A. Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers. Scientia, 1997; Шарп У, Александр Г, Бейли Дж, Инвестиции: Пер.сангл. – М.: Инфра-М, 2010. - 1028 с; Лоренс Дж.Гитман, Майкл Д.Джонк. Основы инвестирования. М.:«Дело», 2007, с-10; Макконнел К.Р., БрюС.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 2-том. М.: Республика, 2002, с-338;

Д.В.Гилёв ва А.Б.Барскийлар⁶ алоҳида олинган тармоқларида инвестиция оқимини бошқаришнинг назарий жиҳатлари, шу жумладан, саноатни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш муаммолари бўйича ишлар олиб борганлар.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ҳудудларнинг инвестиция муҳитини, салоҳиятини яхшилаш, инвестициядан самарали фойдаланиш усуллари ва уларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларни моделлаштириш йўналишларини С.Ғуломов, А.Кравченко, Ё.Абдуллаев, Р.Алимов, Б.Салимов, Н.Маҳмудов, А.Абдугафаров, Т.Дўсчанов, Н.Игнатъев, Б.Атаниязов, Ш.Мадрахимов, Б.Байхонов, Д.Саидов, Ш.И.Мустафақулов⁷ каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин.

Ушбу олимлар томонидан таклиф этилган моделларда тармоқ ва корхоналарга тақсимланадиган инвестицияларнинг ноаниқлик, хатарлилик ҳамда таваккалчилик чегаралари, модернизациялаш шароитлари ҳисобга олинмаган. Муаллиф томонидан таклиф этилаётган эконометрик ва интеллектуал иқтисодий-математик моделлар тизимида «Big Data»лар билан ишлаши, оимлар ўртасидаги муносабатлар сунъий нейрон тўр ва умумлашган баҳо асосида интеллектуал аниқланиши, шунингдек, тезкор қарор қабул қилиш билан юқорида келтирилган илмий тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади ва ўз навбатида танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323 «Минтақалар экспорт

⁶Зайченко Ю.П. Нечеткие модели и методы в интеллектуальных системах. – К.:Издательский Дом «Слово», 2008. – 352 с.; Батыршин И.З. Нечеткие гибридные системы. Теория и практика / Под ред. Н.Г. Ярушкиной. – М. Физматлит, 2007. – 208 с.; Аксенов С.В., Новосельцев В.Б. Организация и использование нейронных сетей (методы и технологии) / Под общ.ред. В.Б. Новосельцева. – Томск: Изд-во НТЛ, 2006. – 128 с.; Круглов В.В., Борисов В.В. Искусственные нейронные сети. Теория и практика. –2-е изд. стереотип. –М.: Горячая линия–Телеком, 2002. –382 с.;Нейронные сети в прикладной экономике: Е. А. Трофимова, Вл. Д. Мазуров, Д. В. Гилёв; [под общ.ред. Е. А. Трофимовой]; Барский А. Б. Нейронные сети: распознавание, управление, принятие решений. — М.: Финансы и статистика, 2004. — 176 с.

⁷Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. / Под ред.акад. С.С. Гулямова. - Т.: Фан ва технология, 2007;Ё.Абдуллаев. «Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар» иқт. фан. док. дис. – М.: МЭСИ, 1987 й; Р.Х.Алимов ва бошқ. Корхонларда инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш. Ўқув қўлланма-Т.: «Fan va technology», 2014; 104 бет. Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона.-Т.: Ўқитувчи, 1995. -154 с; Н.Маҳмудов. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012 й; Абдугафаров А.Моделирование доходности инвестиций с помощью методов нечетких множеств //Проблемы вычислительной и прикладной математики. – 2020. – № 1(25). –С. 101-105; Игнатъев Н.А.Аппроксимация непрерывных функций через синтез нейронных сетей с минимальной конфигурацией // Вычислительные технологии. – 2009. Т. 14, № 1. С. 80-84; Игнатъев Н.А.Вычисление обобщённых показателей и интеллектуальный анализ данных // Автоматика и телемеханика. – 2011. №5. С. 183-190; Игнатъев Н.А., МадрахимовШ.Ф. О некоторых способах повышения прозрачности нейронных сетей // Вычислительные технологии. – 2003. Т. 8, №6. С. 31-37; Игнатъев Н.А., МадрахимовШ.Ф. Устойчивость и обобщенные оценки классифицированных объектов в разнотипном признаковом пространстве // Вычислительные технологии. – 2011. Т. 16, № 2. С. 70-77; Б.Т.Байхонов «Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш» иқт. фан. док. дис. – Т.: ТДИУ, 2019 й.; Игнатъев Н.А., Саидов Д.Ю. Анализ данных и принятие решений с помощью логических закономерностей в форме полуплоскостей. // Известия Самарского научного центра Российской академии наук, – 2017. Т. 19, № 4(2). – С. 294-299; Мустафақулов Ш.И. (2017) Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Тошкент: «BAKTRIA PRESS», 39-б.

салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш» мавзусидаги (2017-2019 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини эконометрик баҳолаш ва интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инвестициялар тақсимоотида ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича назарий ёндашувларни ўрганиш;

ҳудудлар иқтисодиётига инвестицияларни тақсимлашда тақсимот қонунларини методларини фарқлаш, натижаларни таққослаш асосида тақсимот усулларини баҳолаш;

ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятига кўра инвестицияларни тақсимлаш объектларини таҳлил қилиш ва танлаш;

нейрон тўр, сунъий интеллект тушунчаси ва ундан инвестиция жараёнларида фойдаланиш бўйича мутахассислар ёндашувини ўрганиш;

нейрон тўр технологиясини инвестиция жараёнлари ва ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолашга қўллаш;

инвестицияларни ҳудудларга тақсимлашда сунъий интеллектуал дастури орқали таваккалчиликни олдиндан прогнозлаш ва баҳолаш;

инвестициялар тақсимоотида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини дескриптив таҳлилин аналга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестиция салоҳиятини интеллектуал умумлашган баҳо модели ёрдамида кўп омилли баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига инвестициялар тақсимоотида салоҳиятни баҳолашнинг интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини ишлаб чиқиш;

ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини татбиқи;

инвестицион салоҳиятни баҳолашнинг интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини такомиллаштиришнинг истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда ҳудудий бошқармалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини эконометрик баҳолаш ва интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иқтисодий, қиёсий, таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, статистик ҳамда кўп омилли эконометрик таҳлил усуллари, моделлаштириш жараёнларида иқтисодий-математик, ноаниқ тўплам назарияси, нейрон тўр усулларида тақсимлаш, прогнозлаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

худуд тенгсизлигига барҳам бериш ва уларнинг ривожланиши бўйича яхлит таҳлил методологияси тавсия этилган ва худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ялпи худудий маҳсулотга таъсир этувчи муҳим кўрсаткичларини умумлашган баҳо модели ёрдамида интеллектуал аниқлаш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини интервал усулда интеллектуал таҳлил қилиш ва худудларга тақсимлашнинг нейрон тармоқ модели ишлаб чиқилган ҳамда дастурий таъминоти яратилган;

худудларга инвестициялар тақсимланишида таваккалчиликни аниқлашнинг такомиллаштирилган нейрон тармоқ модели тавсия этилган;

инвестицияларнинг тақсимланишини прогнозлаш масаласида ноаниқ сунъий нейрон тўр моделидан фойдаланган ҳолда аниқланган 2020-2025 йиллар истиқболдаги ҳажмини прогноз қилиш ҳамда худудлараро тўғри тақсимланиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг худудларига инвестицияларнинг тақсимланиш ҳажмини юқори ва қуйи чегаралари аниқланиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилган;

худудларга киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш, ноаниқлик, таваккалчилик ва хатарлилик даражаларини аниқлаш моделлари таклиф этилган;

худудлар бўйича инвестициялардан фойдаланиш ҳолатлари бўйича тақсимотини интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси асосида аниқлаш алгоритмик дастурлари ишлаб чиқилган;

худудларнинг инвестиция жозибадорлигини баҳолаш интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси асосида баҳоланган ҳамда истиқболи прогноз қилинган.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида худудлараро инвестицияларни тақсимлашда, худудларининг инвестицион салоҳиятини интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси асосида баҳолаш натижалари бўйича истиқболли, мақсадли давлат дастурлари ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишида ҳамда инвестициялар самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ва тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, худудлар салоҳиятини

эътиборга олган ҳолда интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси асосида таҳлил қилиш, прогнозлаш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашда, ундан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда замонавий услубий ёндашувни қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида ҳудудлар иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви ва унда ўз мавқеига эга бўлиш стратегик мақсадларини аниқлаш ва улар асосида истиқболли дастурларини шакллантиришда, шунингдек, назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида «Иқтисодий-математик моделлар ва усуллар», «Статистика назарияси», «Инвестицияларни баҳолаш» ва «Эконометрикага кириш» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини эконометрик баҳолашнинг интеллектуал фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг такомиллаштирилган рейтинг кўрсаткичлари бўйича берган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тегишли ҳудудий бошқармалар амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/12-01-6/20-1084-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини 1,3 фоизга ошишига ҳамда ҳар бир ҳудудда тўғридан-тўғри инвестиция кириш ҳажмининг ўртача 0,7 фоизга оширишга эришилган;

ҳудуд тенгсизлигига барҳам бериш ва уларнинг ривожланиши бўйича яхлит таҳлил қилиш методологияси асосида берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тегишли ҳудудий бошқармалар амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/12-01-6/20-1084-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг натижасида ҳудудларнинг келгуси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси 3 гуруҳга ажратилиб, гуруҳларнинг келгуси истиқболи бўйича алоҳида-алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини берган;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсир этувчи муҳим кўрсаткичларини умумлашган баҳо ёрдамида интеллектуал аниқлаш дастуридан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 июндаги 01/1-04-18/2-136-сон маълумотномаси). Ушбу дастур ёрдамида ҳудудий статистик кўрсаткичлар асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва инвестицион жозибадорлиги баҳоланган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини интервал усулда интеллектуал таҳлил қилиш дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 июндаги 01/1-04-18/2-136-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсир этувчи кўрсаткичларни умумлашган кўринишда статистик баҳолаш имконини берган;

инвестиция тақсимланишида таваккалчиликни аниқлашнинг такомиллаштирилган нейрон тўр модели асосида вилоят туманларига тақсимланган инвестициялар самарадорлигини оширишда юзага келадиган таваккалчилик даражаларининг аниқланган натижалари бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/12-01-6/20-1084-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳисобига 2018 йилда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий номутаносиблигини камайтириш мақсадида ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган вилояти, Хоразм вилояти) ўртача 2177 та янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этилди ҳамда аҳоли бандлиги ўртача 4,3 фоизга таъминланиб, аҳоли жон бошига реал даромадини 23 фоизга ошириш имконини берган;

инвестицияларнинг тақсимланишини прогнозлаш масаласида ноаниқ сунъий нейрон тўр моделидан фойдаланган ҳолда аниқланган 2020-2025 йиллар учун прогноз натижалари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 06/12-01-6/20-1084-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз натижалари бўйича берилган таклиф ва тавсиялардан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этган илмий журналлардан: 3 та нуфузли хорижий журналда, маҳаллий журналларда 12 та илмий мақола нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши: Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 234 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини эконометрик баҳолаш методологиясини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида инвестицияларни тақсимлаш жараёнларининг назарий ва амалий асослари, асосий тамойиллари ҳамда инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда «Инвестиция», «Инвестиция фаолияти», «Инвестиция жараёнлари» ва «Инвестиция муҳити», «Инвестицион салоҳият» атамаларга нисбатан кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган ва атамаларнинг мазмун-моҳиятига муаллиф таърифлари берилган.

Худуд иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш учун биринчи навбатда, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ретроспектив таҳлил усули қўлланилиши керак. Ретроспектив таҳлилнинг мақсади – ишлаб чиқариш кучларининг янги бозор шароитида ривожланиш йўллари ва худуднинг иқтисодий ҳолатини баҳолашга асосланган ҳолда иқтисодий имкониятларнинг кенгайтирилиши учун муҳим шарт-шароитлари ва афзалликларидан фойдаланишга имкон берадиган хусусиятларини аниқлашдан иборат. Мавзу доирасидан келиб чиқадиган бўлсак, авваламбор мамлакат ҳудудларига инвестициялар тақсимланиш ҳолатини кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Унга кўра, 2010 йилдан 2020 йилгача республика ҳудудларига тақсимланган инвестициялар ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин. Аммо, жами худудларга тақсимланган инвестициялардаги улушининг ўзгариши деярли сезилмаган бўлиб, номутаносибликка барҳам берилмаган. Жумладан, худудларда асосий капиталга инвестицияларнинг жами инвестицияга нисбатан улушини 10 фоиздан юқориси 2010 йилда тўртта вилоят Бухоро (13,5 %), Қашқадарё (11,0 %), Навоий (11,1 %) ва Тошкент шаҳрида (21,6 %) тақсимланган бўлса, 2020 йилда ушбу ҳолат бўйича фақатгина Қашқадарё (12,4 %), ва Тошкент шаҳрида (21,9) кузатилди.

Худудларда жами инвестицияларнинг 5 %дан кам тақсимланган ҳолати 2010 йилда Қорақалпоғистон Республикаси (3,3 %), Андижон вилояти (3,6 %), Жиззах (2,3 %), Наманган (3,5 %), Сурхондарё (3,7 %), Сирдарё (2,5 %) ва Хоразм вилоятида (2,3 %) кузатилган. Ушбу кўрсаткич бўйича 2020 йилдаги ҳолат таҳлил қилинганда Қорақалпоғистон Республикаси (4,4 %), Андижон вилояти (4,3 %), Жиззах (4,2 %), Сирдарё (3,2 %), Фарғона

(4,8 %) ва Хоразм вилоятига (2,9 %) тақсимланган. Бундай тақсимланиш ҳудудлар ўртасида тафовутнинг мавжудлиги ва номутаносиблик муаммосига қаратилган «Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур»⁸ни ишлаб чиқиш вазифасини кўяди.

Албатта бундай ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун республика ҳудудларини ҳар бирини алоҳида ижтимоий-иқтисодий ривожланишини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб этилади. Чунки, ҳар қандай инвестор келажакда истеъмолнинг кутилаётган кенгайиши учун ўз капиталини кўпайтириш мақсадида, инвестиция жараёнининг даромадларини жорий истеъмол фойдасига ишлатишдан бош тортади. Бундай ёндашув инвестицияларнинг узоқ муддатли табиати, капитални шакллантириш жараёни ва инвестицияларни эҳтиёжларни қондиришга йўналтириш каби учта компонентнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттиради⁹. Бошқа тадқиқотчилар, инвестицион салоҳиятни ҳудуднинг иқтисодий сиёсати билан белгиланадиган мақсад ва кўламда инвестиция фаолиятини юритиш имконини берадиган, хусусий ва жалб қилинган иқтисодий ресурсларнинг умумий имконияти деб ҳисоблайдилар. Хусусан, С.В.Зенченкова М.А.Шемёткинлар инвесторлар учун катта таъсир кўрсатадиган бир қанча омилларни ажратиб бердилар (1-расм).



1-расм. Ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг муҳим мезонлари (муаллиф ишланмаси)¹⁰

Юқоридаги барча фикрларни умумлаштирган ҳолда муаллиф фикрига кўра, «Ҳудуднинг инвестицион салоҳияти – бу ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини барқарор ўсишини таъминлайдиган, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳитни


⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 й.

⁹ Самуэльсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика. Вильямс. -М.: 2018. С-1328.

¹⁰ Зенченко С.В., Шемёткина М.А. «Инвестиционный потенциал региона». Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «Экономика». 2007. №6. Тадқиқотлари асосида муаллиф ишланмаси

таъминлайдиган, жалб қилинган ҳамда мавжуд бўлган ўз ресурслари ва ишлаб чиқариш омиллари комбинациясидир» - деб таъриф берилган. Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва турли даражадаги бюджетларнинг инвестицион имкониятлари, тегишли ресурслар ҳамда ишлаб чиқариш омиллари мавжудлиги билан белгиланадиган инвестицион маблағларнинг имкониятлари ва йўналишлари, шунингдек, инвестицияларнинг иқтисодий шартлари, инвестицион фаолиятни амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг иқтисодий муҳити ҳудудлар ва умуман давлатнинг инвестицион салоҳиятини ташкил этади.

Инвестицион салоҳиятни баҳолаш инвесторларга ва инвестиция объектларига объектив қарорлар қабул қилиш имконини беради. Иқтисодий адабиётларда инвестицион салоҳиятга кўплаб таърифлар берилган ва уни баҳолаш методларига кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни турли аломатлар хусусан, векторининг ўзига хослиги, объектнинг иқтисодий даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлаш мумкин. Инвестор танлаган ёндашувга қараб якуний кўрсаткичнинг натижавий қийматлари ва якуний баҳоларини фарқлаб оладилар. Инвестицион салоҳиятни аниқлаш ва баҳолашнинг ҳар бир ёндашуви ўз ичига маълум бир усуллар ва воситалар тўпламини олади (2-расм).



2-расм. Инвестицион салоҳиятни аниқлаш ва баҳолашнинг асосий ёндашувлари¹¹

Ҳозирги кунда услубий ёндашув ва баҳолаш методлари нуқтаи назаридан ажралиб турадиган жуда хилма-хил усуллар мавжуд. Ҳар бир усул инвестициялаш объекти сифатида ҳудуд салоҳиятига таъсир қилувчи турли омиллар тўпламини камрам олади. Миқдор ёки сифат бўйича баҳолаш

¹¹А.Ю.Беликов, И.Ю.Новикова. Сравнительный анализ методик определения оценки инвестиционного потенциала хозяйствующего субъекта // Известия Байкальского государственного университета. 2016. Т. 26. № 5. С. 750-757. Адабиётда келтирилган маълумотларига муаллиф ёндашуви.

усуллари, эксперт ёки статистик ёки эконометрик ўлчаш усуллари, омиллар ва уларнинг таркиби ҳамда вазнлари бўйича маълум бир даражада фарқланади, шу билан бирга методология ва уни қўллаш хусусиятларини ҳамда муаллифларининг нуқтаи назарини акс эттиради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда муаллиф фикрича, ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш усуллари таснифининг умумлашган схемаси 3-расмда келтирилган.




3-расм. Ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш методларининг таснифи¹²

Маълумотлар таҳлили натижаларига кўра, одатдаги методларга хос бўлган бир нечта камчиликларни санаб ўтиш мумкин:

методлар табиатининг умумийлиги, инвесторлар фаолиятининг устуворлиги инобатга олинмаслиги, баҳолаш умумий кўринишда олиб борилиши ва сунъий интеллектга асосланган усулда тизимни тўғри ишлашга ўргатишнинг ҳамда уни ўқитиш учун жуда катта ҳажмдаги аломатлар векторининг зарурлиги;

инвесторлар қарор қабул қилиши учун ҳудудларнинг рейтинг маълумотларидан фойдаланиш имконияти йўқлиги ва ҳудуд инвестиция салоҳиятининг умумий кўрсаткичларини баҳолаш аломатларини танлаш қоидаларининг асосланмаганлиги.

¹² С.Б.Березнев, О.Б.Шевелева, М.К.Начева, Оценка инвестиционного потенциала региона. // Экономический анализ: теория и практика. 2011. №29. Адабиётда келтирилган маълумотларига муаллиф ёндашуви.



4-расм. Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини яхлит таҳлил қилиш методологияси¹³

Шундай бўлсада, инвестицион салоҳиятни баҳолашнинг сунъий интеллектга асосланган усули кўплаб талабларга ҳам мос келади. Унинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

кўп миқдордаги аломатларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиши ва статистик аломатларни эксперт аломатлари билан биргаликда қўллаш орқали эксперт баҳоларининг субъективлигини камайтириш;

¹³ Манба: Муаллиф ишланмаси.

инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳудудларга табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш имконини бериш.

Муаллиф фикрича, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда уларнинг ўзига хос иқлими, мавжуд имкониятларини ўзида мужассам қилувчи яхлит таҳлил қилиш методикасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4-расмда келтирилган мълумотларга асосан, биринчи навбатда ялпи ҳудудий маҳсулот ва унинг аҳоли жон бошига нисбатан ўзгариши, экспорт салоҳиятининг ўсиши ҳамда импортнинг валюта қопламаси коэффиценти умуман олганда ҳудудий иқтисодий салоҳият ҳолатини аниқлаш талаб этилади.

Иккинчи бўлим иқтисодий ўсишни таъминлашнинг шарти – молиявий барқарорлик ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кредит ва молия соҳасининг барқарорлиги ҳамда ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, шунингдек, бир вақтнинг ўзида илмий ва технологик тараққиётнинг рағбатлантирувчи омиллари, инновациялар, ишлаб чиқаришнинг ўсишига айланадиган молиявий ресурслар мавжудлиги, бу эса ўз навбатида давлат иқтисодиётининг моддий ва маънавий таркиби ҳамда ҳаётийлигини молиявий тизими ҳолатларини ҳам баҳолаш имконини беради.

Учинчи бўлим кўрсаткичлари моддий ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ва молиявий соҳа салоҳиятини, уларни республиканинг ривожланишини ресурс шарт-шароитлари ва иқтисодий шароитларига мувофиқлигини тавсифловчи натижага асосланган бўлиши лозим. Тизимни шакллантирувчи тузилма Инсоний интеллектуал салоҳиятга ва унинг самарадорлигини оширишга асосланган, такрор ишлаб чиқариш омили бўлиб, бу иқтисодиётни тиклашга ёрдам беради. Жамият ва аҳоли фаровонлигини ошириш иқтисодий тизим ишлашининг якуний натижасидир.

Халқаро амалиётда, айрим мамлакатларнинг ривожланиш даражасини қиёсий таҳлил қилиш учун шароитлар ва аҳоли турмуш даражасини ифодоловчи турли хил ижтимоий кўрсаткичлардан фойдаланилади¹⁴. Тадқиқотда ҳудудий ривожланиш таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу ижтимоий кўрсаткичлар, одатда, айрим давлатлар ёки мамлакатлар гуруҳларини таққослаш учун ҳисоблаб чиқилганлигига қарамай, бир хил мезонлардан иборат бўлиши талаб этилади.

Керакли натижаларни олиш учун жараённи осонлаштириш ва аниқликка эришиш ҳамда барча фойдаланувчиларни имкониятини эътиборга олган ҳолда EXCEL дастурида амаллар бажарилган. Текшириш учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига 1998-2020 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва уларни мамлакат ҳудудларига тақсимланган статистик маълумотлари ташкил этади.

¹⁴Социальная энциклопедия / Редкол.: А.П.Горкин, Г.Н.Карелова, Е.Д.Катульский и др. – Большая российская энциклопедия, 2000. – 438 с.

Инвестициялар тақсимотида Колмогоров мезонларининг параметрлари маълум деб фараз қилинади. Бунда тасодифий ўзгарувчининг баъзи назарий тақсимот қонунига бўйсунмаслик ҳақидаги фаразни синаш учун кузатувлар сонини $n \geq 20$ га мувофиқ қабул қилинади. Ҳар қандай тақсимлаш тури учун кўрилатган текширишни амалга ошириш мумкин. Меъёр тўпланган частотанинг назарий тақсимот функциясидан максимал оғишини аниқлашга асосланган бўлиб, натижалар вариацион кетма-кетликларда жойлашган ва мос келадиган оғишларнинг юқори ҳамда пастки чегараларини қуйидаги формуладан топилади:

$$D_n^+ = \max \left[\frac{i}{n} - F(x_i) \right] \quad 1 \leq i \leq n \quad (1)$$

$$D_n^- = \min \left[F(x_i) - \frac{i-1}{n} \right] \quad 1 \leq i \leq n \quad (2)$$

Бу ерда $F(x_i)$ - назарий тақсимот функцияларининг қийматлари бўлиб, оғиш чегараларини максимал даражаси қуйидагича ифодаланади:

$$D_n = \max[D_n^+; D_n^-] \quad (3)$$

(3) дан фойдаланган ҳолда, Колмогоровнинг мувофиқлик мезони бўйича 1998-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар ва уларни ҳудудларга тақсимланишида нормалликни текшириш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади¹⁵:

$$\lambda = \frac{6nD_n+1}{6\sqrt{n}} = \frac{6 \cdot 20 \cdot 0,18+1}{6\sqrt{20}} = \frac{22,6}{16,8} = 1,024 .$$

λ -кўрсаткич қийматини жадвал қиймати билан солиштирилади ва унга кўра, $\lambda_{\text{ҳисоб}} \leq \lambda_{\text{жадвал}}$ шарт бажарилиши талаб этилади. Ҳисоб-китоб натижаларига асосан $\alpha = 0,01$ бўлганда Тошкент шаҳрига тақсимланган инвестициянинг λ -кўрсаткич қиймати бўйича $1,024 \leq 1,057$ тенгсизлик аниқланиб, 1998-2017 йилларда Тошкент шаҳар иқтисодиётининг асосий капитали учун тақсимланган инвестиция, Колмогоровнинг мувофиқлик мезони бўйича ўринли эканлиги аниқланди.

1-жадвал

Инвестициялар нормал тақсимланган ҳудудлар¹⁶

Кўрсаткичлар	Бухоро вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри
D_n	0,21	0,21	0,23	0,22
$L_{\text{ҳисобланган}}$	0,974	0,963	1,05	1,024
Тақсимланиш ҳолати	тақсимот нормал	тақсимот нормал	тақсимот нормал	тақсимот нормал

Агар ушбу натижаларга илмий жиҳатдан ёндашилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига тақсимланаётган инвестицияларни нормал тақсимот қонуни асосида Колмогоров мезонлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 14 та ҳудудларига инвестициялар тақсимоти таҳлили


¹⁵ Шепель В.Н., Акимов С.С. Определение плотности вероятности данных в прикладных исследованиях. – Современные информационные технологии в науке, образовании и практике. – Материалы XI Всероссийской научно-практической конференции. – Оренбургский государственный университет. – Оренбург. – 2014. С. 223-226.

¹⁶Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

ўтказилди ва ушбу Колмогоровнинг мувофиқлик мезони бўйича текширувга асосан 4 та ҳудудга инвестиция нормал тақсимланганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал натижалари асосан $\alpha = 0,01$ бўлганда $\lambda_{\text{жадвал}} = 1,057$ мезон қийматига кўра, аниқланган бўлиб, Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳри асосий капиталига инвестициялар нормал тақсимланганлиги аниқланди. Аммо, қолган 10 та ҳудуд иқтисодиётига тақсимланган инвестициялар тақсимоти нормаллашмаганлиги аниқланди.

Танланган усулни мувофиқлигини текшириш учун энди Е.И.Пустыльника модификациясидаги эксцесс коэффицентини ҳисоблаш формуласидан¹⁷ фойдаланиб, 1998-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига тақсимланган инвестициялар таҳлили амалга оширилади. Колмогоровнинг мувофиқлик мезони бўйича 2020 йилда тақсимланган инвестициялар ўринли эканлигини эътиборга олган ҳолда Е.И.Пустыльник модификациясидаги эксцесс ва асимметрия коэффицентлари бўйича нормал тақсимотни ҳисоблаш ҳамда критик эмперик қийматларини таққослаш орқали тасдиқлаш мумкин.



5-расм. Инвестицион муҳитни баҳолаш¹⁸

Шундай қилиб, Колмогоровнинг мувофиқлик мезони энг моҳиятли ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқот доирасида иккита усулни таққослаш ўтказилди. Бироқ, бу таққослашларнинг ҳеч бири хатолар сонини сезиларли даражада камайтирмади. Ҳар икки услубларнинг натижасида

¹⁷ Айвазян С.А., Мхитарян В.С. Прикладная статистика. Основы эконометрики (в 2 -х т.) Теория вероятностей и прикладная статистика – М.: Юнити-Дана, 2007, -656 с.400.

¹⁸ Манба: Н.В. Игошин фикрига асосан муаллиф тўлдирмаси ва ишланмаси.

маълум бир тақсимот қонунига тегишли бўлган тўплам гипотезани қабул қилишда маълум бир хатоликлар юзага келиб, Колмогоровнинг мувофиқлик мезони бўйича текширилганда ўртача хато қиймати 13-17 %ни ташкил этиши аниқланди.

Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда бу ерда сифат жиҳатдан назарий илмий ишланмалар каби амалий илмий ишланмалар ҳам ўз ўрнига эгалигини таъкидлаш лозим. Ушбу муаммони энг тавсифли характерга эга тадқиқоти сифатида Н.В.Игошиннинг инвестицион муҳитни баҳолаш учун қисқартирилган (тор), кенгайтирилган (омилли), омилли-рискли¹⁹ каби учлик ёндашувини келтириш мумкин.

5-расмда келтирилган биринчи ёндашув минтақанинг инвестиция муҳитини глобал баҳолаш учун ишлатилади. Иккинчи ёндашувнинг мазмуни инвестицион муҳитга таъсир қилувчи омилларнинг умумийлигини баҳолашдан иборат бўлиб, омилли ёндашувининг ўзига хослиги омилларнинг аниқ рўйхати йўқлигидир. Охирги икки ёндашувнинг хусусияти (омилли ва омилли-рискли) уларнинг инвестицион муҳитни миқдорий баҳосини аниқлаш учун умумий математик воситалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Худудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолашда нейрон тўр технологиясини қўллаш асослари**» деб номланган иккинчи бобида Нейрон тўр технологиясини инвестиция жараёнлари ва худудлар инвестицион салоҳиятини баҳолашга қўллаш, худудларининг инвестицион салоҳиятини прогнозлаш масаласида ноаниқ сунъий нейрон тўридан фойдаланиш, инвестицияларни худудларга тақсимлашда сунъий интеллектуал дастури орқали таваккалчиликни олдиндан прогнозлаш ва баҳолаш ёрдамида ҳал этишга муаллиф ёндашуви ишлаб чиқилган.

Агар классик эксперт тизимини яратишда дастлаб инсон-эксперт сифатида ўз билимларини формаллаштириши керак бўлса, бунда изчил, тўлиқ формаллашган билимларни олиш мураккаб ва узоқ вақт талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Нейрон тўр эксперт тизимлари эса экспериментал маълумотлар базаси асосида ўз-ўзини ўқитиб олади. Бу янги пайдо бўлаётган соҳа фаолиятига ташхис қўйиш учун инсон-эксперт мавжуд бўлмаган ҳолларда нейроэксперт тизимини яратиш имконини беради (6-расм).

Нейрон тўрлари – инсон нерв тизимини ақс эттириш ҳаракатига асосланган сунъий интеллект соҳасидаги тадқиқотлар йўналишидан биридир, яъни: асаб тизимининг илм олиш (ўқиш) ва хатоларни тўғирлаш хусусияти, бу ўз навбатида етарлича қўпол бўлса ҳам инсон мияси иш фаолиятини моделлаштиришга ёрдам беради²⁰. Бу таърифга кўра, инвестициялар тақсимоотида нейрон тўрдан фойдаланиш учун катта ҳажмдаги маълумотлар базаси асосида дастур тузилиши аниқ чиқиш маълумотига эга бўлишни таъминлайди.

¹⁹ Н.В.Игошин Инвестиции. Организация управления и финансирование. М.: Юнити-Дана, 1999, 544 с.

²⁰ Dmitriy Parfenovich Нейронные сети - от теории к практике. <https://www.mql5.com/go?link=http://mql5>.



6-расм. Нейрон тўр моделларининг афзалликлари²¹

Нейрон тўри жуда кўп хусусиятларга эга бўлган мураккаб тизимдир ва биз ундан ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва ривожланиш истиқболларини прогнозлашга татбиқ этамиз. Дастурлаш амалга оширилгандан сўнг инвестиция тақсимоти бўйича юзага келадиган ҳар қандай муаммони тезда ечимини топиш имкониятига эга бўламиз. Бунинг учун эса авваламбор, нейрон тўрни ўқитиш учун векторлар тўпламини яратиб олишимиз керак. Тармоқни ўқитиш жараёни w_n вазн коэффициентларининг ўзгаришига олиб келади.

$$NET = \sum_n x_n w_n \quad (4)$$


Ушбу ҳолатда NET нейрон ҳисоб-китобининг натижаси: Чикиш= $F(NET-\theta)$ билан белгиланади. Ҳисоб-китоблар натижаси юқорида таъкидланганидек тўғридан-тўғри чиқмайди, балки фаоллаштириш функцияси орқали таҳлил ва қайта ишлашдан ўтиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, нейрон тармоғини «ёпиқ» ёки ҳаётда учрайдиган «қора қути» сифатида келтириш мумкин, унга кириш сигналлари жўнатилади ва чиқишда натижа олинади. Чикишгача бўлган жараёнларни кузата олмаймиз (6-расм).

Аммо дастурчи томонидан қўйилган шартлар асосида берилган буйруқни таҳлил ва қайта ишлаш асосида энг мақбул ечимни чиқаришга беради. Бундан келиб чиқиб, инвестицияларни ҳудудларга тақсимланишнинг нейрон тўр тузилмасини юқорида келтирилган 7-расм кўринишида тасвирлаш мумкин.

7-расм кўп қатламли нейрон тўр кўриниши бўлиб, у ўз ичига кирувчи қатлам – тармоқ орқали маълумотларни тарқатишга хизмат қилади ва ҳеч қандай ҳисобни амалга оширмайди. Бу қатламнинг чиқиш сигналлари кейинги қатламнинг киришига юборилади. Иккинчи қатлам яширин қатламлар бўлиб, унда сигналларни киришдан чиқишга узатувчи оддий нейронлар қатлами. Уларнинг кириши олдинги қатламнинг чиқиши ва чиқиши кейинги

²¹ Муаллиф ишланмаси

катламнинг киришидир. Учинчи чиқувчи қатлам – одатда нейрон тармоғининг барча ҳисоб натижаларини берувчи битта ёки эҳтимол кўпроқ нейронга эга бўлади. Ушбу сигнал асосида маслаҳатчи бошқарувининг мантиқий асослари яратилади. Албатта, биз ушбу инвестицияларни ҳудудларга тақсимоотида икки қатламли (яширин қатламда икки қатлам) нейрон тўр асосида кўрдик.



7-расм. Инвестицияларни ҳудудларга тақсимлашнинг кўп қатламли тармоқ тузилиши

Бунда 1-қатламда киритилаётган инвестициянинг таваккалчилик даражаларини аниқлаш шарти қўйилган. P1.1-иктисодий, P1.2-молиявий, P1.3-сиёсий, P1.4-ижтимоий, P1.5-экологик, P1.6-жиноий, P1.7-қонунчилик.

2-қатламда ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлиги бўйича P2.1-хомашё ресурси, P2.2-ишчи кучи, P2.3-ишлаб чиқариши, P2.4-инновацион салоҳияти, P2.5-инфратузилма, P2.6-молиявий ҳолати ва P2.7-истеъмолчи омиллари танлаб олинган.

Ёпиқ қатламда танланган мезонлар ва белгиланган шартлар асосида омиллар таъсир таҳлиллари амалга оширилиб, олинган талаб этилган маълумотлар қайта ишланади ва охирига оптимал ечим чиқиш орқали-N3.1 дан чиқади. Якуний қарор аниқ ва тўлиқ бўлиши авваламбор, киритилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилигига боғлиқ бўлиб, бу кириш маълумотларини нормаллаштириш асосида амалга оширилади.

Кириш маълумотларини нормаллаштириш – бу ерда барча кириш маълумотлар «текислаш» жараёнидан ўтади, яъни маълумки, инвестициялар ҳажми 2000-2020 йилларда жуда катта фарқни юзага келтирганлиги, солиштирма фарқларнинг ёки объектнинг самарадорлигини баҳолашда ноаниқликни юзага келтиради. Шу боис, турли хил катталиқдаги қийматларни қиёслаш ва таққослаш учун $[0,1]$ ёки $[-1,1]$ интервалда ўлчовсиз шаклга келтирилади, яъни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, корхоналарни кенгайтириш, янги қурилиш ва корхоналарнинг айрим объектлари бўйича тақсимланган инвестицияларнинг $[0,1]$ ёки $[-1,1]$ интервалида нормаллаштириб уларнинг ҳар бир йўналиш бўйича минимум ва максимумлари аниқланади. Тақсимланган инвестицияларни $[0,1]$ оралиқда

ифодалаш ҳар бир йўналиш бўйича йиллар давомида ўзгариш юз бериб, айрим йўналишларда дастлабки 2000 йилга нисбатан жами инвестиция ҳажмига нисбатан ўсганлигини ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўналишида камайганлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётда модернизациялаш бўйича олиб борилган ислоҳотларнинг амалиётга татбиқ этилгани ва изчиллик билан олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш ва молиявий ҳамда иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш асосида турмуш даражаси ва сифатини ошириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (8-расм).



8-расм. Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари ва субкўрсаткичларининг сони²²

Мамлакат туман ва шаҳарларига маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилишда муҳим омил ҳисобланадиган мавжуд ижтимоий-

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларни баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ID-3546 қарор лойиҳаси <https://regulation.gov.uz/ru/document/3546>

иқтисодий ривожланиш натижаларини даврий баҳолаш тизими, ҳудудларнинг хусусияти ва ўзига хослигини тўлиқ акс эттириш, маълумотларни тўплаш ва натижаларни замонавий усуллар асосида чоп этиш йўналишларини такомиллаштирилиши зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.


Фан-технологиянинг ривожланиши ҳозирги глобаллашув шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. «Барча ислохотлар инсон учун, унинг манфаати учун» бўлгани каби фан-техника тараққиёти ҳам инсон турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнатини енгиллаштириш учун хизмат қилмоғи лозим. Шу муносабат билан тадқиқотда кўрсаткичлар сонини кўплиги ва натижалар аниқлигига эришиш учун нейрон тўрларидан инвестициялар тақсимоотида фойдаланиш методологиясини ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини эконометрик баҳолаш ва интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси**» номли учинчи бобида инвестициялар тақсимоотида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий - иқтисодий жараёнларини дескриптив таҳлили ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига инвестициялар тақсимоотида салоҳиятни баҳолашнинг интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси ва интеллектуал қарор қабул қилиш методологияси асосида ҳудудлар инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омилларни танлаш, баҳолаш ва кластер таҳлилинини амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Замонавий универсал нейродастурлар ўқитилган нейрон тўр тавсифини натижасидан олинган дастур модулини фойдаланувчи дастурига киритиш учун бирор-бир дастурлаш тилига ўтказиш имкониятига эга. Бундан ташқари, фойдаланувчи дастури универсал нейродастурлардаги нейрон тўрлардан эркин фойдаланишни ташкил этиш учун стандарт дастурлараро коммуникация воситаларини қўллаши мумкин. Жараённи амалиётда фойдаланишни кўриш учун 1-бобда кўрилган 2000-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар тақсимланишида $[0,19]$ интервалда n (20) та кирувчи $x_{min}=0$ ва $x_{max}=19$ маълумотларни $[0,1]$ интервалга келтиришимиз керак, демак, $d_1=0$ ва $d_2=1$.

Энди барча қийматларни формулага қўйиб n та кирувчи маълумотдан ихтиёрий x учун нормаллашган қийматларни ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотда жараёнга мос келган гиперболик тангенсининг фаоллаштириш функцияси кўриб чиқилади. Юқоридаги назария тушириб қолдирилади, тўғридан-тўғри амалиётга ўтамиз. Ундаги ягона бошқача нарса – чиқиш $[-1,1]$ ораликқа тегишли бўлиши мумкин. Ўртача вазн йиғиндисининг қийматлари $[-9, 9]$ ораликқа тегишли бўлади (9-расм)²³.

²³ Dmitriy Parfenovich Нейронные сети - от теории к практике. <https://www.mql5.com/go?link=http://mql5>.



9-расм. Гиперболик тангенсинг Excel даги қўшимча коэффициентли графиги

Расмдан кўриниб турибдики, $d=0,2$ қўшимча коэффициент функция шаклини текислади. Демак, натижани куйидагича ёзамиз:

```
for(int n=0;n<19;n++)
{NET+=Xn*Wn;}
NET*=0.2;
```

Натижалардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай фаоллаштириш функциясининг шаклини қўшимча коэффициент d ни қўшиш билан ўзгартириш мумкин. Бу асосан жараёни текислаш ва маълумотлар ўзгариши билан қарорлар аниқлигига эришиш имконини оширади.

Ҳозирги ноаниқлик шароитида нейрон тўрлари моделларини ноаниқ логика билан биргаликда қўллаш натижанинг аниқлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса ноаниқ нейрон тўрлари кириш маълумотлари интервал кўринишида бўлган масалалардаги ноаниқликларни бартараф қилиш имконини оширади. Инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тўғри тақсимлашнинг ноаниқ нейрон тармоғи кўп қатлам тузилишидаги тармоқ кўринишида бўлиб, бу тармоқ муаллиф томонидан 5 та қатламдан иборат бўлган ҳудудларга инвестициялар тақсимланишининг ноаниқ нейрон тармоғи бўйича тузилмаси сифатида ифода этилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларга инвестицияларни тақсимланишини нейрон тўр моделлари асосида ифода этиш учун тўр ўқитилишининг гибрид алгоритми орқали амалга оширилади. Гибрид алгоритмда мослаштирилувчи параметрлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ учинчи қатламнинг чизиқли параметрларидан иборат, иккинчи гуруҳ – биринчи қатламнинг тегишлилик функцияси ночизиқли параметрларидан иборат. Муаллиф томонидан тақдим этилган гибридли алгоритм – ноаниқ нейрон тўрларини ўқитишнинг энг самарали усулидир. Унинг характерли хусусияти жараёни

вақт бўйича икки босқичга ажратишидир. Агар ҳар бир оптималлаштириш алгоритмини ҳисоблаш мураккаблиги нозикли оптималлаштириладиган параметрлар сонига боғлиқ бўлса, оптималлаш масалалари ўлчамининг бу қисқариши ҳисоблаш операциялари миқдорини сезиларли даражада камайтиради ва алгоритмнинг яқинлашув тезлигини оширади. Шунинг учун гибрид алгоритм анъанавий градиентли усулдан кўра самаралироқдир²⁴.

Хулоса қилиб айтганда, нейрон тўрлари ягона усул эмас, шунга қарамасдан, таваккалчиликларни бошқаришнинг кўплаб соҳаларида нейрон тўрлари янада оқилона ечим топади ва бу соҳада кўшимча тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини баҳолашда интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган тўртинчи бобида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ҳудудларнинг инвестицион муҳитини интеллектуал математик баҳолаш методологияси, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг интеллектуал қарор қабул қилиш методологиясини татбиқи ва инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг интеллектуал қарор қабул қилиш усулини такомиллаштириш истиқболлари баён қилинган.

Ҳудуднинг инвестицион муҳитини миқдорий жиҳатдан бирор-бир ўлчов билан ифодалаш мумкин эмас – бу турдаги уринишлар нотўғри ва ушбу мураккаб ҳодисани эътиборсиз қолдиришга олиб келиши мумкин. Тадқиқот натижасидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ҳудудларнинг инвестицион муҳитини баҳолаш учун танлаб олинган турли тоифадаги белгилар фазосида, фазони катталиги туфайли амалга ошириш самарасиз ёки ўлчов шкалаларининг фақат биттасида (миқдорий ёки номинал) қўлланиши мумкин бўлган синфларга ажратиш алгоритмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаб ўтилган ҳар бир омил бўйича умумлаштирилган баҳо натижасида коэффициентлар аниқланди. Коэффициентларнинг ўзгариши ҳудуднинг молиявий ҳолатини яхшиланиши ёки ёмонлашишини аниқлатади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ҳолатини ифода этувчи мезонлар бўйича тақсимооти²⁵

Ҳолатлар	Мезонлар	Ҳудудлар
Барқарор ҳолат	85-100 %	Тошкент шаҳар
Нормал ҳолат	72-84 %	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари
Ўрта ҳолат	60-71 %	Бухоро, Жиззах, Фарғона, Хоразм
Беқарор ҳолат	43-59 %	Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё
Оғир ҳолат	29-42 %	—

²⁴The New Basel Capital Accord // Basel Committee on Banking Supervision at the Bank.

²⁵Vladimer Glonti1, *, Miras Zhiyenbayev, and Rezo Manvelidze The method of estimating the regional budgetary process.// MATEC Web of Conferences 212, 08029 (2018) <https://doi.org/10.1051/matecconf/201821208029> ICRE 2018. Манбага муаллиф ёндошуви.


Жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикасининг биргина Тошкент шаҳри молия-бюджет салоҳияти барқарор ҳолатда бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида нормал ҳолатда эканлиги кузатилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида молия-бюджетдан фойдаланишнинг оғир ҳолати кузатилмади. Бу эса ҳудудлар бўйича юритилаётган молия-бюджет тизимидаги сиёсат қониқарли эканлигидан далолат беради. Ушбу аниқланган кўрсаткичлар ҳудуднинг молия-бюджет тизимини унинг иқтисодий тизими, тармоқларнинг рентабеллиги, ҳудудий корхоналарни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайди. Жаҳон ва ҳудудий иқтисодий жараёнлар барқарор бўлмаган шароитда, инқироз фонида молиявий ривожланиш индексининг ёрдами билан ҳудуднинг молиявий-иқтисодий ривожланиш йўналишини баҳолаш мумкин.

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлик кўрсаткичидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилоятлари ўзининг инвестиция салоҳиятидан ва инвестицион жозибадорлигидан жуда самарали фойдаланмоқда. Таъкидлаш жоизки, республиканинг қолган ҳудудларида инвестицион салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмапти ва улардан фойдаланиш мамлакат ўртачасидан паст. Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларига келсак, ҳудудда инвестиция салоҳияти ва инвестиция жозибадорлигидан самарасиз фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳудудий ҳокимият инвесторларни жалб қилиш учун мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда самарали инвестицион фаолият бошқарувини ташкил этиш ва биринчи навбатда, ҳудудга инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳитни яратиш зарур.

Ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шунингдек, ҳудудий-иқтисодий комплекснинг доимий равишда кўпайиш жараёнини қўллаб-қувватлайдиган, унинг иқтисодий салоҳияти (ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат, табиий, илмий, инновацион, инвестиция) билан белгиланадиган ҳудуд ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлатади. Таъкидлаш жоизки, ушбу шароитда ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири бу прогноздир. Давлат томонидан тартибга солиш ва прогноз қилишнинг асосий воситаси ҳудудий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш балансининг иқтисодий ва математик табиий қийматидир. Шунга асосланиб, тизимнинг элементларидан бирида иқтисодий вазиятдаги ўзгаришларни бошқаларнинг иқтисодиётига ўзаро таъсирини аниқлаш учун турли хил ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин.

Инвестицион салоҳиятни аниқлаш ва баҳолашнинг методик ёндашувларини таҳлили уларнинг ҳар бири ўзига хос камчиликларга эгалигини кўрсатади. Якуний кўрсаткични ҳисоблаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар тўпламини тўғрилаш, шунингдек, инвестицион салоҳиятнинг олинган қийматларини баҳолаш учун қўлланиладиган умумий қоидаларни ишлаб чиқиш орқали мавжуд методларни такомиллаштириш мумкин.

Ишлаб чиқилган метод инвестицион лойиҳалар баҳосини эмас, балки ҳудуднинг умумий инвестицион салоҳиятининг баҳосини беради. Ишлаб чиққан методимиз ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи миқдорий ва сифат омилларининг таҳлилининг ўз ичига олади.



10-расм. Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини интеллектуал баҳолаш модели²⁶

²⁶ Муаллиф ишланмаси

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини эконометрик баҳолашнинг интеллектуал фаолиятини такомиллаштириш услубиёти қуйидаги 10-расмда ифодаланади.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган ёндашув тўртта босқични ўз ичига олади: 1-босқич – алоҳида хусусий кўрсаткичларни ва кейинги маълумотларни интегралга таҳлил қилиш йўли билан ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини умумлаштирилган баҳолаш; 2-босқич – ҳудудлар фаолиятининг энг фойдали йўналишларини аниқлаш асосида ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичларини вазнлар асосида умумлашган баҳо ёрдамида аниқлаш; 3-босқич – ҳудудларга инвестициялар киритишнинг ноаниқ тўпламлар асосида таваккалчилик даражаларини ҳисоблаш орқали инвесторлар учун иқтисодиётнинг энг жозибадор тармоқларини аниқлаш; 4-босқич – ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини нейрон тармоқ асосида интеллектуал баҳолаш. Таклиф этилаётган методология доирасида минтақанинг инвестиция салоҳиятини баҳолаш схемаси келтирилган.

10-расм асосида ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини баҳолаш тизимини шакллантириш ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги нуқтаи назаридан муҳим бўлган статистик кўрсаткичларни ўз ичига олган маълумотлар базасини яратишдан бошланади. Методологияда стандарт статистик кўрсаткичлардан ташқари, улар асосида бирлаштирилган ҳисоб маълумотлари ҳам қўлланилади. Тадқиқотнинг биринчи босқичида қўлланиладиган асосий кўрсаткичларга:

- | | |
|-----------------------------------|-------------------------------|
| 1. А: Сиёсий омиллар; | 8. I: Ишлаб чиқариш омиллари; |
| 2. В: Ижтимоий омиллар; | 9. К: Инновацион омиллар; |
| 3. С: Иқтисодий омиллар; | 10. L: Инфратузилма омиллари; |
| 4. D: Экологик омиллар; | 11. М: Истеъмол омиллари; |
| 5. Е: Коррупцион омиллар; | 12. N: Институционал омиллар; |
| 6. F: Молиявий омиллар; | 13. P: Қонунчилик омиллари. |
| 7. G: Меҳнат ва хом ашё омиллари; | |

Келтириб ўтилган ушбу табиий-географик, ишлаб чиқариш, молиявий, инновацион ва ижтимоий салоҳиятнинг алоҳида кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини умумлаштирилган баҳолашни назарда тутди. Ушбу кўрсаткичларга қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

инвестиция салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари комплексида ҳудудлараро жараёнларнинг ривожланиш динамикасини кузатиш имконини бериши;

ҳудуд саноатининг тармоқ тузилмаси ва уни инфратузилма билан таъминлаш хусусиятларини аниқлаш;

ҳудуднинг ихтисослашувини белгиловчи фаолият турини ёки бир неча турларини аниқлаш.

Аниқланган кўрсаткичлар учун мамлакат ҳудудлари учун ўртача вазнли балл ҳисоблаб чиқилади, унга ҳар бир ҳудуд учун ушбу аниқ кўрсаткичга берилган балларнинг қийматлари бўлинади. Ҳудуднинг инвестиция салоҳиятининг барча кўрсаткичлари ижобий ва салбийга бўлинади. Албатта, салбий кўрсаткич таклиф этилаётган методологияда ёмон кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Унинг юқори миқдорий характеристикаси ҳудуднинг инвестиция салоҳияти даражасини яхлит баҳолашни пасайтиради.

Тадқиқотда умумлашган-нейрон тўрдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини интервал усулида интеллектуал таҳлил қилиш ва прогнозлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур бошқа усуллардан кўп омилли кўрсаткичлар мавжуд бўлган ҳолатда ҳам омилларнинг таъсир даражасига кўра, энг кераклигини ажратиб олиш ва улар таъсирида келгуси прогноз натижасини юқори даражада бўлган Андижон ва Самарқанд вилоятларини ҳам прогнозлари аниқланади. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу дастурнинг афзаллиги ҳар бир ҳудуд ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг таъсир доирасига қараб прогноз қиймати функциялар пакетидаги турли формулалар асосида аниқланади. Бу жараён ёпиқ қатлам остида бажарилишига қарамай дастурни фаоллаштириш функция тугмаси орқали танлаш мумкин. Амалларни бажарилиши натижасида аниқланган ҳар бир вилоятнинг интеллектуал прогноз қийматлари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг инвестицион салоҳияти юқори бўлган вилоятларнинг интеллектуал прогноз натижалари (млрд. сўм)²⁷

Йиллар	Андижон вилояти	Самарқанд вилояти	Тошкент шаҳри
2020	35134,5	39940	88955,8
2021	41463,3	46312	96853,6
2022	45012,9	50245,9	105139,5
2023	48562,5	54179,8	113425,4
2024	52112,1	58113,7	121711,3
2025	55661,7	62047,6	129997,2

Жадвал маълумотларига кўра, Андижон вилоятида 2020 йилда ҳақиқатда ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 35134,5 млрд. сўмга етиб, бу 2019 йилдаги (33242,4 млрд. сўм) қийматидан 5,6 фоизга ошганлигини белгилайди. Вилоятда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида 2025 йилга бориб, Андижон вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 55661,7 млрд. сўмга етиши кутилмоқда.

²⁷Тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2025 йилга бориб, 2020 йилга (39940 млрд сўм) нисбатан 5 йилда ҳар йили ўртача 11,07 фоизга ўсиб бориб 62047,6 млрд сўмга тенг бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳрида аниқланган прогноз натижаларига кўра, 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга (88955,8 млрд сўм) нисбатан 8,9 %га ўсиб 96853,6 млрд. сўм ва 2025 йилга бориб ушбу кўрсаткич 5 йилда ҳар йили ўртача 9,2 %дан ўсиб бориб, 129997,2 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Таққослама натижаларига кўра, интеллектуал математик усулнинг тренд усулидан ишончилиги ва устунлиги келиб чиқди. Чунки, интеллектуал математик усулда аниқланган натижаларнинг хатолик даражаларига эътибор қаратадиган бўлсак, прогноз даврига нисбатан ўртача 0,24 % хатоликни ифода этади. Худди шу каби тренд натижасини хатолик даражаси бўйича аниқлайдиган бўлсак, прогноз даврига нисбатан ўртача 2,42 % хатоликка тенг бўлиб, ушбу натижалар прогноз кўрсаткичлари қийматларининг оғиш даражаси ҳисобига тадқиқотда ишлаб чиқилган интеллектуал математик усул устунлигини исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларни ҳудудлараро тақсимлаш уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиб, ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши - бу ҳудуд иқтисодиётининг ҳолати, унинг тизимларини иқтисодий барқарорлиги турли хил таъсирларга бардош бера оладиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларининг пасайишига ва дастлабки барқарор ҳолатига тезда қайтишга олиб келадиган ҳолатдир.

ХУЛОСА

1. Инвестиция тақсимоли бўйича қарорлар танлови жараёнида энг мураккаб ишлардан бири ҳисобланади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибдорлик кўрсаткичидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилоятлари ўзининг инвестиция салоҳиятидан ҳамда инвестицион жозибдорлигидан жуда самарали фойдаланмоқда. Таъкидлаш жоизки, республиканинг қолган ҳудудларида инвестицион салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аниқланди ва улардан фойдаланиш мамлакат ўртачасидан паст бўлган.

2. Тадқиқот натижаларига кўра, нейрон тўр усули ўзининг автоматлаштирилган прогнозлаш тизимини яратиш бўйича келгуси фаолиятнинг истиқболга эга эканлигини ва уни давом эттириш мумкин деган илмий асосланган хулосага келиш имкониятини беради. Бугунги кунда кўплаб йирик фирма ва шахслар сунъий нейрон тўрлардан фойдаланган ҳолда прогнозлаш технологиялари соҳасида ўз фаолиятларини ривожлантиришга эга, аммо улар ўз тизимларини бевосита ишлатишдан даромад олишни афзал кўрган ҳолда уларни оммага ошкор қилмаётганлари нейрон тўр усулидан кенг фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

3. Худудларни кластер бўйича тизимлаштириш уларнинг асосий муаммолари ва аҳолининг юқори турмуш даражаси, билими ва юқори даромадлари бўйича ҳисоб-китоб натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ва унинг худудларида 1-кластерга жуда юқори даражага кирадиган худудлар аниқланмади. Тошкент шаҳри (0,763), Самарқанд (0,704) ва Бухоро (0,700) 2-кластерга яъни юқори даражага, 3-кластерга Қорақалпоғистон Республикаси (0,558), Андижон (0,556), Наманган (0,611), Фарғона (0,560) ва Хоразм (0,597) вилоятлари ҳамда 4-кластер паст даражага Жиззах (0,461), Қашқадарё (0,477), Навоий (0,517), Сурхондарё (0,469), Сирдарё (0,456) ва Тошкент (0,406) вилоятлари кириши аниқланди.

4. Ўзбекистон Республикасининг биргина Тошкент шаҳри молия-бюджет салоҳияти барқарор ҳолатда бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида нормал ҳолатда эканлиги кузатилди. Ўзбекистон Республикаси худудларида молия-бюджетдан фойдаланишнинг оғир ҳолати кузатилмади. Бу эса худудлар бўйича юритилаётган молия-бюджет тизимидаги сиёсат қониқарли эканлигидан далолат беради. Ушбу аниқланган кўрсаткичлар худуднинг молия-бюджет тизимини унинг иқтисодий тизими, тармоқларнинг рентабеллиги, худудий корхоналарни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайди.

5. Худудий инвестицияларни тақсимлаш жараёнларини таҳлил қилиш ва чуқур ўрганиш кўп сонли омиллар билан амалга оширишни талаб этади. Омиллар кўплиги ўз навбатида фазовий кўрсаткичлар тўпламини ташкил этади. Кўп ҳолатларда амалиётда тезкор таҳлил ва қарор қабул қилиш шароитида ушбу фазовий кўрсаткичлардан ташкил этилган бир бутун текислик деб қараладиган ҳолатларда икки ярим текисликка ажратиш билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

6. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган интеллектуал математик моделдан фойдаланган ҳолда аниқланган прогноз натижаларига кўра, Андижон вилоятида 2020 йилда ҳақиқатда ялпи худудий маҳсулоти ҳажми 35134,5 млрд сўмга етиб, бу 2019 йилдаги (33242,4 млрд сўм) қийматидан 5,6 фоизга ошганлигини белгилайди. Вилоятда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида 2025 йилга бориб, Андижон вилояти ялпи худудий маҳсулоти ҳажми 55661,7 млрд сўмга етиши кутилмоқда.

7. Самарқанд вилоятида ялпи худудий маҳсулот ҳажми 2025 йилга бориб, 2020 йилга (39940 млрд сўм) нисбатан 5 йилда ҳар йили ўртача 11,07 фоизга ўсиб бориб 62047,6 млрд сўмга тенг бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳрида аниқланган прогноз натижаларига кўра, 2021 йилда ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга (88955,8 млрд сўм) нисбатан 8,9 %га ўсиб 96853,6 млрд сўм ва 2025 йилга бориб ушбу кўрсаткич 5 йилда ҳар йили ўртача 9,2 %дан ўсиб бориб, 129997,2 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

8. Интеллектуал математик усулда аниқланган натижаларнинг хатолик даражаларига кўра, прогноз даврига нисбатан ўртача 0,24 % хатоликни ифода этади. Худди шу каби тренд натижасини хатолик даражаси бўйича аниқлайдиган бўлсак, прогноз даврига нисбатан ўртача 2,42 % хатоликка тенг

бўлиб, ушбу натижалар тадқиқотда ишлаб чиқилган интеллектуал математик усул устунлигини исботлади.

9. Тадқиқотда умумлашган-регрессион тўрдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини интервал усулида интеллектуал таҳлил қилиш ва прогнозлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур бошқа усуллардан кўп омилли кўрсаткичлар мавжуд бўлган ҳолатда ҳам омилларнинг боғлиқлик даражасига кўра, энг кераклигини ажратиш олиш ва улар таъсирида келгуси прогноз натижасини аниқлаш имконини беради.

10. Тадқиқот натижасида инвестицион салоҳият даражаси чексиз миқдордаги омиллар мажмуига боғлиқлигидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш учун танлаб олинган турли тоифадаги аломатлар фазосида ушбу омилларни мумкин бўлган синфларга ажратиш орқали ишлаб чиқилган «Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ЯҲМга таъсир этувчи муҳим (информатив) кўрсаткичларини умумлашган баҳо ёрдамида интеллектуал аниқлаш» ва «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини интервал усулида интеллектуал таҳлил қилиш ва прогнозлаш» дастурлари ёрдамида ҳудудларга инвестициялар тақсимотини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

11. Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларни ҳудудлараро тақсимлаш уларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиб, ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши - бу ҳудуд иқтисодиётининг ҳолати, унинг тизимларини иқтисодий барқарорлиги турли хил негатив таъсирларга бардош бера оладиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларининг пасайишига ва дастлабки барқарор ҳолатига тезда қайтишга олиб келадиган ҳолатдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2021.I.16.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ОТАЖАНОВ УМИД АБДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ИНВЕСТИЦИОННОГО
ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**08.00.06 - «Эконометрика и статистика» и
08.00.14 – «Информационные системы и технологии в экономике»**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована за номером B2021.3.DSc/Iqt229
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете
Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) языках
размещён на веб-странице Научного совета (www.tdju.uz) и Информационно-образовательном
портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz)

Научный консультант:	Алимов Раимжон Хакимович доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Дусчанов Тангриберган Досчанович доктор экономических наук, профессор Атаниязов Болтабой доктор экономических наук, профессор Салимов Бахтиёр Тожиевич доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский финансовый институт


Защита диссертации состоится «14» января 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании
Научного совета DSc 03/30.01.2021.1.16.03 по присуждению учёных степеней при Ташкентском
государственном экономическом университете. Адрес: 100066, г. Ташкент, улица
Ислама Каримова, дом 49. Тел.: (99871)239-28-72; факс: (99871)233-60-01; e-mail: info@tsue.uz


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского
государственного экономического университета (Зарегистрировано за номером 1102).
Адрес: 100066, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, дом 49. Тел.: (99871)239-28-72; факс: (99871)
239-28-27; e-mail: info@tsue.uz

Автореферат диссертации разослан «30» декабря 2021 года
(Реестр протокола рассылки № 1 от «30» декабря 2021 года)




Г.К.Абдурахманова
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.э.н.,
профессор


Б.Д.Хожиев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.э.н.,
доцент


Н.М.Махмудов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Динамика роста иностранных инвестиций в мировой экономике опережает динамику развития отечественной экономики, большинства стран мира. Тенденции прямых инвестиций в 2020 году существенно различались по регионам. Приток прямых инвестиций в развитые европейские страны сократился на 80%, а в Северную Америку на 40%. Снижение притока прямых инвестиций в развивающиеся регионы было неравномерным, с 45% в Латинской Америке и Карибском бассейне и 16% в Африке. Напротив, приток инвестиций в азиатские страны увеличился на 4%, причем Восточная Азия является крупнейшим принимающим регионом, на который в 2020 году пришлось почти половина мировых прямых инвестиций. Объем прямых инвестиций в страны переходного периода сократился на 58%¹. Основной причиной этого является кризис COVID-19 в мировой экономике, который привел к резкому сокращению прямых инвестиций.

Согласно Всемирному инвестиционному отчету, глобальный поток прямых иностранных инвестиций серьезно пострадал от пандемии COVID-19. В 2020 году они упали на треть до 1 триллиона долларов, что ниже самого низкого значения, достигнутого после глобального финансового кризиса десять лет назад². Такие негативные последствия в мировой экономике требуют учета таких факторов, как специфика и возможности регионов в повышении эффективности инвестиций, налаживании и обеспечении правильности территориального распределения. В настоящее время прогноз и разработка научно обоснованных мер по решению таких проблем, как ограничение реализации производственного процесса на полную мощность вследствие бесполезного простоя вложенных в мировую экономику инвестиций или невыявления опасности и рисков, возникающих при эффективном использовании инвестиций; обеспечение устойчивого роста деятельности предприятия; достижения глобальной конкурентоспособности – все это требует глубокого и всестороннего анализа факторов, влияющих на эффективность инвестиций и выявления количественных связей между ними.

В целях развития экономики Республики Узбекистан, устранения диспропорций между регионами в 2019 году за счет общих источников финансирования было освоено инвестиций в основной капитал на 189,9 трлн. сумов (в долларовом эквиваленте 21,5 млрд долл. США или 133,9% по сравнению с 2018 годом). В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»³ определены такие задачи, как активное привлечение иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы страны, эффективное использование

¹ Global foreign direct investment set to partially recover in 2021 but uncertainty remains. <https://unctad.org/news/global-foreign-direct-investment-set-partially-recover-2021-uncertainty-remains>

² World Investment Report 2021. <https://unctad.org/webflyer/world-investment-report-2021>

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Народное слово. 2017. № 28 (6722). 8 февраля.

привлеченных иностранных инвестиций и кредитов путем улучшения инвестиционного климата. Данные задачи имеют важное значение в проведении активной инвестиционной политики, направленной на реализацию инвестиционных проектов по модернизации, техническому и технологическому обновлению производства; развитию производственной и социальной инфраструктуры; совершенствованию методики эконометрического моделирования направления и распределения межотраслевых инвестиций в экономику; разработке моделей определения эффективности, уровня опасности и рисков инвестиций.

Настоящая научная работа в определенной степени служит эффективной реализации задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» № ЗРУ-598 от 14 декабря 2019 года, в постановлении Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлении «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику республики» № ПП-4300 от 29 апреля 2019 года и в постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об организации деятельности научно-исследовательского института развития цифровых технологий и искусственного интеллекта» № 475 от 31 июля 2021 года и других нормативно-правовых актов касающихся данной отрасли.

Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и техники республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования, связанные с построением эконометрических моделей интеллектуального принятия решений в экономике с использованием методов искусственных нейронных сетей, применением методов и прогнозированием нейронных сетей в экономике, проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях, включая Калифорнийский государственный университет (США), Университет Питтсбурга (США), Стамбульский технический университет (Турция), Стэнфордский университет (США), Университет Джосай (Япония) и Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, Российский

⁴Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: arkowitz H.M. Portfolio Selection, Journal of Finance 7(1). March, 1952, pp.77-91; Geske R. (1979) The valuation of compound options. Journal of financial economics, 7, pp. 63-81; Шарп У., Александер Г., Бейли Дж., Инвестиции. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 2010 г., 1028 стр; Saaty T. (1990) How to make a decision: the analytic hierarchy process. European journal of operational research, 48, pp. 9-26; Kahraman C., Cebeci U. and Ruan D. (2004) Multi-attribute comparison of catering service companies using fuzzy ahp: the case of Turkey. International journal of production economics, 87, pp. 171-184; Iwamura K., Iiu B. (1998) Chance constrained integer programming models for capital budgeting in fuzzy environments. Journal of the operational research society, 49, pp. 854-860; Покровский А.М. Многомерный подход к анализу чувствительности оценок рисков инновационных проектов. // Эффективное антикризисное управление. http://www.info.e-c-m.ru/magazine/67/eau_67_102.htm.

экономический университет им.Плеханова (Россия), Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Ташкентский государственный экономический университет (Узбекистан).

Следующие научные результаты были получены в результате ряда исследований по использованию искусственных нейронных сетей в экономическом прогнозировании: предложено группировать переменные, прогнозировать курсы валют, модели индексов фондового рынка и экономического роста (Академия наук Китая); разработана программа искусственного интеллекта для прогнозирования рисков в режиме реального времени (Университет Джонса Хопкинса, США); разработана модель нейронной сети для прогнозирования инфляции (Университет Саскачевана, Канада); разработана система прогнозирования нейронной сети экономических показателей в качестве составляющей системы гибридной регрессии и интеллектуального прогнозирования (Центр научных исследований и инноваций, Россия) на основе эконометрической оценки распределения инвестиций в регионах, оценки инвестиционной кредитоспособности региона и принятия интеллектуальных решений разработан комплекс усовершенствованных эконометрических моделей (Ташкентский государственный экономический университет, Узбекистан).

В мировой экономике проводится ряд исследований по внедрению моделей эффективного использования, повышения эффективности инвестиций и определения слоёв риска, в том числе по определению эффективности их применения при формировании оптимального портфеля ценных бумаг, определении слоёв риска и доходности, осуществлении финансовой деятельности на основе нечеткой логики, расчете цены опциона на покупку акций.

